Биргина 2000 йилни ўзига Лапароскоп орқали аппендэктомия, холецистэктомия, бачадон кисталарини олиш каби операциялар бажарилиб, беморлар ўз оёғида 1-2 кундан сўнг уйларида кетмоқда. Бўқок, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида янги операциялар, сунъий гавҳар қўйиш операциялари кўз касаллигида бошланиб юборилди.

Олиб бориладиган ишлар ва ўтказилаётган ислохотлар натижасида айрим саломатлик курсаткичларининг ижобий ўзгаришига эришилди. Жумладан: 1991 йилда туғилиш курсаткичи 4,1 бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 25,5 га камайди, умумий ўлим курсаткичи 1991 йилдаги 5,2 дан 2000 йилга келиб 4,2 га, аҳолининг табиий ўсиш

жараёни эса 35,9 (1991)дан 21,3 га (2000й) камайди. Бу курсаткичларнинг негизига аҳолини тўлиқ диспансер кўригидан ўтказиш, оилани оқилона режалаштириш ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби ишлар турибди.

— Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури қандай бажарилаяпти?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 сонли «Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармони билан бажариш борасида ҳам бирмунча ижобий ишлар қилинди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида даставвал ушбу фармоннинг аҳамияти ва моҳияти тўғрисида барча тиббиёт муассасаларида тушунтириш ишлари олиб борилиб, 1999–2005 йилларга муъалланган худудий дастурлар ишлаб чиқилди. 2000 йил якунига қўра қабул қилинган дастурларни бажариш бўйича олиб бориладиган ишлар ижобий самарасини берди. Жумладан: вилоятда Республика шешилинч тиббий марказ вилоят филиали ва 11та туман шешилинч тиббий ердам бўлиmlари фаолият кўрсата бошладилар. Улар энг замонавий асбоб-ускуналар ва тиббий ҳижозлар билан тўлиқ таъминландилар. Уларда 229 та врач ва 533 та ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. 2000 йил давомида вилоятда қурилиш-ва айлантириш ҳисобига 30 та КВП ва 1та ШВП фойдаланишга топширилди. Мазкур фармонга мувофиқ тиббиёт муассасаларини босқичма-босқич пуллик хизматга ўтказиш натижасида аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш (15 %) эвазига 29358,3 минг сўм маблағ сарфланди.

1991 йилда аҳоли ҳанг бошига ажратилган маблағ 114 сўм бўлган бўлса, бу курсаткич 2000 йилда 2740 сўмга тенг бўлди.

Вилоят бўйича ижтимоий соҳаларга ўзгалар ердамига муҳтожлар, уруш давридаги фронт қатнашчилари, ногиронлар, ЧАЭС ҳалокатини тугатиш ногиронлари, байналминал жангчилар учун 36731,9 минг сўмлик дори-дармон тарқатиб берилди.

Қарши шаҳридаги тиббиёт билим юрти тўлиқ қайта капитал таъмирланиб, тиббиёт коллежига айлантирилди. Вилоятда ҳусусий фаолият кўрсатувчи ва нодавлат тиббий муассасалар сони оширилди. Бундан ташқари вилоятда Оналар ва болалар скрининг маркази, Республика Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиали ташкил этилди. 2001 йилда Қарши шаҳрида аёллар маркази фаолият кўрсата бошладилар.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жами 78023 та маъруза, 232 та телевидениеда кўрсатувлар, 338 та радиозаштириш ҳамда 35 мақола вилоят миқёсида чоп этилди.

— «Она ва бола» дастури бўйича эса қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 феврал 68-сонли «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисидаги қарори бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

• Вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг ҳайъат йиғилишида, туман, шаҳар марказий шифохоналарида «Она ва бола» Давлат дастури бўйича йиғилишлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 50-сонли буйруғи шаҳар, туман марказий шифохоналарига қўпайтирилиб тарқатилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 50-сонли буйруғига асосан, вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг 2001 йил 22 феврал 34-сонли буйруғи ишлаб чиқилди.

Вилоятда ДПМ даволаш моддий техник базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама эътибор берилмоқда.

Вилоятда 2001 йилда 3 та КВП, 1 ШВП, 1 та ШТЕБ қуриб ишга туширилди.

Вилоят ҳокимининг 2001 йил 19 февралдаги 56/2 сонли қарорига асосан, Республика Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиалининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида институт Қарши шаҳар тўғрқ комплексига ўтказилди.

Ҳозирги кунда институтда таъмирлаш ишлари кетмоқда. Таъмирлаш учун 65 млн. сўм сарфланди.

Вилоятда мавжуд бўлган оналар ва болаларга хизмат кўрсатаётган даволаш муассасаларига 10 млн. сўмлик юмшоқ инвентарлар тарқатилди. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси орқали 45 турдаги дори-дармон олиб келинди. Вилоятда Еврокредит орқали 340 минг 560 сўмлик дори-дармон олиб келиб тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси «ЮНИСЕФ» болалар фонди орқали 700 млн. сўмга тенг 37 турдаги дори-дармон зилзилладан талофат қўрган тиббиёт муассасаларига тарқатилди.

Қарши шаҳар ҳокимининг 2000 йил 30 декабрдаги 1070/12 сонли қарорига асосан, шаҳарда «Шаҳар аёллар маркази» ташкил этилди. Китеб туман марказий шифохонасида ШТЕБ реконструкция қилиниб, ишга туширил-

Ислохот одимлари

ди. Вилоят «Саломатлик» маркази Саломатлик институтига айлантирилиб, «Соғлом она – соғлом бола» дастури проекти тасдиқланиб, дастурни амалга ошириш мақсадида 5 млн. 742 минг АҚШ доллари ажратилди, институт учун замонавий компьютер ва диапроекторлар олинди.

Вилоят Сил касалликлари диспансерига ДОТС программаси лойиҳаси асосида 5 млн. немис маркази ажратилди ва вилоятимиз силга қарши диспансери Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё шифокорлари учун ўқув маркази бўладиган бўлди.


Қарши шаҳар педагогика билим юртида, Қарши Давлат университетидеда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда «Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик оқибатлари», «Инсон организмиде йод етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар», «Қариндош-уруғчилик оқибатида келиб чиқадиган туғма нуқсонлар» ҳақида тадбир ўтказилди.

— Дори-дармонлар ўтгисиде қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— 1991 йилда Қашқадарё вилоят дорихоналар бошқармаси вилоят аҳолисини ва даволаш профилактика-муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлаш учун тизимининг қошида 176 та дорихона фаолият кўрсатмоқда. Бу фаолият кўрсатиб турган дорихоналардан фақат 36 таси даволаш билан берадиган дорихоналар акциядорлик жамиятига қарашли дорихоналар ҳисобига олинди ва дорихоналар бошқармаси акциядорлик жамиятига айлантирилди. Шу жумладан қолган дорихоналар ҳусусийлаштириш бошқармаси орқали ҳусусийлаштириб берилди ҳамда уларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғида кўрсатилган ҳужжатлар асосида лицензия берилди.

Ҳозирги кунда яъни 1994 йилдан кейин Тошкент фармацевтика институтига ўқишга кириш учун ҳар йили 50 нафарга яқин битирувчилар йўлланма асосида ўқишга юборилмоқда. 1994 йилдан 2000 йилгача фармацевтлар ва провизорлар тайёрлашга асосий эътибор қаратилди. Биргина 2000 йилда Қарши шаҳрида ташкил этилган кўча циклда 43 та провизор ўз малакасини оширди. 1991 йилда 21 дорихўноснинг мутахассислик тоифаси бўлган бўлса, 2001 йилга келиб олий тоифали провизорлар сони 31 тани, 1-тоифали провизорлар 62 тани, 2-тоифали провизорлар 33 тани ташкил этди. Ижтимоий касаллик турлари бўйича 1994 йилдан 2001 йилгача бепул дори-дармон билан таъминлаш аҳоли қуйидагича: 1991 йилдан 2000 йил декабр ойигача 255584,3 минг сўмлик дори-дармонлар ушбу касаллик тоифалари бўйича бепул берилди. 1991 йилгача доривор ўсимликлар билан савдо қилувчи дорихоналар йўқ эди. 1994 йилдан бошлаб барча шаҳар ва туман марказий дорихоналарида фитобарлар ташкил қилиниб, аҳолини ўзимизда ўсадиган табиий доривор ўсимлик шартларида дамламалари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси билан биргаликда касалликлар турларига қараб вилоятимиздаги диспансер ҳисобида турувчи касалликлар ҳисобига олинган ҳолда дори-дармонлар олиб келиниб истеъмолчиларга етказилди. 1994 йилдан 2000 йилгача 1 млрд. 826 млн. сўмлик дори-дармонлар олиб келиниб аҳолига ва даволаш-профилактика муассасаларига етказилди. Бундан ташқари бошқа мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихоналар орқали 1 млрд. 612 млн. сўмлик аҳолига ва даволаш-профилактика муассасаларига етказилди.

1999–2000 йилларда мурувват йўли билан 1816 турдаги 994000,0 млн. сўмлик дори-дармонлар ва тиббий буюмлар 32 та халқаро ташкилотлардан олиб келиниб, вилоят ҳокимлиги ҳўзуридаги мурувват комиссияси орқали вилоятимиздаги барча даволаш-профилактика муассасаларига тарқатиб берилди.



Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Еврокредит йўли билан эса 1999–2000 йилларда 60 турдаги 55551,6 млн. сўмлик дори-дармонлар олиб келиниб даволаш-профилактика муассасаларига тақсимот асосида тарқатиб берилди.

Агар мен бундай натижали ишлар рўйхатини ном-ном айтадиган бўлсам, ушбу ишлар билан бир қаторда амалга оширадиган ишларимиз жуда кўп. Бунинг учун бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ҳалқимизга беминнат хизмат кўрсатмоғимиз зарурдир.

Р. РАҲМОНОВ,
Вилоят соғлиқни сақлаш
Бош бошқармаси бошлиғи.

Домла Ҳаким Зоҳидий раҳматли каминага икки томонлама устози аъзам ва пиру калон эдилар. Биринчиси, 1955-61 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтини талабаси бўлган давримда у киши кўпчилик қатори мени ҳам ўзининг бетакор одамийлиги, тугма истеъдоди, буюк ички ва ташқи маданияти, тоза лутфи, теран ақл-заковати, ўз касбия чексиз меҳру садоқати билан тиббиётнинг сеҳрли оламига етаклаб кирган, унинг ақл бовар қилмайдиган беҳад сиру асрорларидан сарийлик билан воқиф этган, олижаноб алломалардан эдилар. Мана, орадан деярли ярим асрга яқин фурсат ўтганига қарамай, талабалик йилларим ҳамон ёдимда.

Биз ўшанда 17-18 ёшга кирган, илмга чанқок ёш йигит-қизлар эдик. Унинг «Одам анатомияси» фанидан ўқиган ажойиб маърузаларини жон қулоқ билан ҳайратланиб тинглаб, оғзидан чиққан ҳар бир қимматли сўзларни бир умр ўчмас қилиб, қалбимиз тўри, миямиз саҳифаларига ёзиб, муҳрлаб олганмиз, десам, асло муболага бўлмади. Зеро, унинг ўз ширали овози, нотопик санъати бор эди. Бу ажойиб инсон нафақат ўз соҳасининг етук билимдони, забардаст олими, йирик давлат ва жамоат арбоби, моҳир ва жонқур мураббийси, балки нафис санъат ва адабиёт шайдоси ҳам эдилар! Бу Оллох берган фазилатлар унинг ҳуснига ҳусн қўшар, нур устига аъло нур бўлиб қўшилди. Биргина кичик қалб, жуссада шунчалар буюк ҳикмат, нозик ва теран ҳислатлар, жозиба, жасорат ва киши кўзи илғамас яна қанча ранг-баранг ёрқин шуълалар яшириниб, ўзидан ажиб зиё, илиқлик таратганига қойил қолсан киши.

Ҳаким Зоҳидий 1912 йили Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида таваллуд топди. 1926 йили етти йиллик мактабни тугатиб, тиббиёт билими юртининг тиш техникни бўлимига ўқишга кирди. Тиббиёт бўлган қизиқиш бу билим юртидаги таҳсил жараёнида унинг мураккаб қалбидан бир умрга мустаҳкам ўрин олди. Билим юртини имтиёзли тугатган Ҳакимжон 1931 йилдан бошлаб, Самарқанд тиббиёт институтини таълим ола бошлади. Болалигидан билимга ташна, ҳаракатчан Ҳакимжон эҳти қўқир ва тadbиркорлиги, қўнгу тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. У 1935 йили инсти-

тутни муваффақиятли тугатиб, Нурота туманига ишга-отланди. Дастлаб оддий шифокор, кейинчалик туман марказий касалхонасининг бош вазири бўлиб, кечани-кеча, кундузи-кундуз демай уч йил астойдил фаолият кўрсатди, катта ҳаётий тажриба орттирди. Унинг ўзи одамларни сидқидилдан севгани боис уни ҳам одамлар чин дилдан севиб, иззат-хурматини жойига қўйишди.

1938 йили Ҳаким Зоҳидий тиббиётнинг назарий манбаларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Самарқанд тиббиёт институтининг нормал анатомия кафедрасига ассистент бўлиб ишга ўтди, илмий, мураббийлик фаолиятини бошлаб юборди. Ўзининг тинмай изланиши натижаси ўлароқ, 1941 йили «Одам скелетининг ривожланиши ва тараққиёти» деган мавзуда тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини муваффақиятли ёқлади. Орадан кўп ўтмай бошланган иккинчи жаҳон уруши тугайли ҳарбий хизматга сафарбар бўлди. Бироқ, 89-алоҳида ўқчи ўзбек бригадаси бош вазири лавозимида иш бошлаган Ҳаким Зоҳидийни тез орада Ҳукуматнинг махсус қарори билан Самарқанд тиббиёт институтини ректори этиб тайинлашди. Уруш қизинг кетаётган йилларда Ҳаким Зоҳидий зиммасига нақадар катта масъулият юкланганлигини ҳис этишининг ўзи унинг ташкилотчилик қобилияти ва салоҳиятига берилган катта баҳо, юксак ишонч эди.

Маълумки, уруш йиллари фронт орқаси, жумладан Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинган кўпчилик завод, фабрика, улкан корхоналар билан бирга

мамлакатнинг йирик олимлари, шунингдек, соёиқ Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ҳарбий-тиббий академияси ҳам кўчиб келган эди. Ҳаким Зоҳидий нафақат тиббиёт институтини муаммолари, балки ҳарбий-тиббий академиянинг етакчи олимлари, раҳбарлари билан ҳам жаҳоншумул илмий масалаларни ҳал қилишга киришиб, фашизм устидан қозонилажак ғалабани тез-

Устозлар номини ёд этиб



Бу олимнинг адабий фаролиятига берилган катта баҳодир. У ўз даври фарзанди сифатида теvarак-атрофида бўлаётган воқеа, ҳодисаларга бефарқ қарай олмас эди. Бунга унинг қаламига мансуб «Муштум» журналида chop этилган «Соғлар ва доғлар» номли юмористик ҳикоялари тўплами, шунингдек «Ватан учун», «Икки қаҳрамон», «Юрак амри», «Устозингдан айрилиш», «Гавҳарим» сингари драма асарлари мисол бўла олади.

Лавҳамиз дебocasида Дом-ланинг каминага икки томонлама устозликлари ҳақида сўз юритган эдик. Бу унинг институтида ўқиб юрган кезларимизда менга ўхшаш адабиёт ва санъат ихлосмандларини бағрига олиб, ёзган шеър, ҳикояларимизни эринмай таҳрир қилиб, маслаҳатлар бериб, унинг вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинишига оқ йўл тилаши билан боғлиқ сaмимий, бeғарaz ишлари хомийлигини қилибди.

Ҳаким Зоҳидийни билган борки, номини факат илик сўз билан ёдга олади. Унинг муво-барак номи Тошкент пeдиатрия тиббиёт институтини одам анaтoмияси кафедраси, Самарқанд вилояти Нурота тумани марказий касалхонаси ҳамда у яшаган маҳаллага қўйилгани иккинчи умрининг давом этаётганидан нишондир. Мен шундай олижаноб алломга соғиниб бўлганимдан бир умр миннатдорман.

Искандар РАҲМОН.

ОЛИЖАНОБ АЛЛОМА

лаштиришди. Кейинчалик у Тошкент давлат тиббиёт институтини ректор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири лавозимларида ишлаб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилди, эл-юрт хурматига сазовор бўлди. 1972 йили Тошкент пeдиатрия тиббиёт институтини ташкил этилган, у одам анатомияси кафедрасига бошчилик қилди, эндигина иш бошлаган институтнинг оёққа туришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хуллас, Ҳаким Зоҳидий қаерда, қандай лавозимда ишлагани, барчасида ҳалол ва астойдил ишлаб, ўзидан фақат яхши ном, яхши из қолдирди.

Халқимизда шундай доно нақл бор: «Менга таниш-билишнинг айтсанг бас, сенинг қимлигини ўзим билиб олам». Шу маънода Ҳаким Зоҳидийнинг бирга ўқиб, ишлаган ҳамкасб дуст-биродарлари, жумладан, таниқли олим ва ташкилотчилардан: академик Исҳоқ Мусабоев, Шокир Алимов, профессор Юсуф Отабеков, шогирдларидан: Қомилжон Суфаров, Уктам Орипов, Жаҳонгир Ҳамидов, Носир Аҳмедов, Раҳим Худойбердиев, Атоулла Оқилов, Раҳодхон Алавий, Аминжон Сулаймонов, Шавкат Аҳмедов, Суннатилла Асоев ва бошқаларнинг номларини эслаш қийин. Бундан ташқари, Ҳаким Зоҳидий Самарқандда таълим-тарбия олган пайтлари у ерда ҳукм сурган йхтимой, моддий-маънавий муҳит, айниқса адабиёт ва

билан яқиндан танишиб, улар билан катта-катта адабий давралар, баҳсларда фаол иштирок этди. Шу боис, адабий ижода қизиқиш уни бир умр тарқ этмади. Ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ундаги адабиётга қизиқиш ўша даврнинг буюк алломаларидан машҳур ёзувчи Садриддин Айнийни бефарқ қолдирмади. Шу жиҳатдан унинг Ҳаким Зоҳидийга йўллаган мактубини айнан келтириш мақсада мувофиқдир:

«Урток Ҳаким Зоҳидий! ...23 октябрда нашр бўлган 210-сонли «Қизил Ўзбекистон» газетасида Сизнинг «Тортик» унвонли бир очеркингни ўқидим. Бундан бурун ҳам (ёз қунларида бўлса керак) тиббиёт мавзусига оид бир ҳикоя-чангизни ўқиб эдим. Шунда Сизда ҳикоячилик таланти борлигини сезган эдим. «Тортик» оригинал, шунинг ила баробар воқеликни реал акс эттирган ҳаёт парчасидир. Таҳрир жиҳатдан ҳам бунда камчилик йўқ, мавзу яхшигина очилган ва иштирокчилар тўла таъсирланган...

...Сиз ўзбек адабиёти, тиббиёт фанини бадиий ҳикоялар орқали акс эттиришингиз ва ҳатто нашриётлар йўлида ҳаёлий фикрлар юргизиб, янги ҳақиқатларнинг вужудга келишига йўл очилишингиз мумкин... Садриддин Айний. 25 октябрь, 1949 йил. Самарқанд».

ШИФОКОР ФАҲРИ

Ризоқул Розиков Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг сўлим Матмон қишлоғида туғилиб ўсди. Ўрта мактабда ҳам аъло баҳоларда ўқиди. Ёш ўспирин йигит тенгқурлари қатори ҳарбий хизматга қақирилди. Ризоқул тоғли қишлоқда улғайиб, тиришқоқ, эҷчил бўлганлиги учун ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб қайтди.

Десант ҳарбий қисмида хизмат қилган Ризоқул Розиков ўз хотираларидан сўзлаб шундай дейди:

«Бизнинг қисмимизда қоматли, забардаст йигитлар бор эди. Ҳаммаси ҳарбий машқларда чиниққан. Ротамиз кўпинча тоғли ҳудудларда юришарди.

Солдатлик бурчини адо этиб ҳарбий хизматдан эсон-омон қайтган йигит

ёшликдан орзу қилган шифокорлик касбини эгаллашга аҳд қилди. Қарши шаҳридаги тиббиёт билим юртига кириб ўқиди. Билим юртини тaмoмлаб, тумандаги «Тез ёрдам» тиббий бўлимида ишлади.

Бир йилдан сўнг малакасини ошириш, етук мутахассис бўлиш ниятида Тошкент тиббиёт олийгоҳига йўл олди ва синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди.

Талабалик йиллари ҳам ортда қолди. Олий маълумотли диплом олгач, шу ерда бир йил ишлади.

Бироқ, Ризоқул киндик қони томан қадрдон қишлоғи томон талпинди. Мана олти йилдан буён у Жовуз қишлоқ врачлик амбулаториясида бош шифокор бўлиб, халқ саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Орамиздаги инсонлар

Қишлоқ врачлик амбулаторияси ҳудудига қарашли Матмон, Жовуз, Денов бола, Шут, Аспидухтар, Мусобозор, Қавзахона каби тоғли қишлоқларда 730 хонадон бўлиб, уларда 4200 аҳоли истиқомат қилади. Шифокорлар ана шу қишлоқ хонадонларида ҳам тез-тез бўлишиб, аҳоли ўртасида тиббиётга оид суҳбатлар ўтказмоқдалар. Уларнинг саломатликлари йўлида елиб югуришаяпти.

Ризоқул катта оила бошлиғи ҳам. Турмуш ўртоғи Зулайхо Обидова билан 4 нафар фарзандни воғга етказишмоқда. Уларнинг фарзандлари Абдурахмон Жомий номли мактабнинг аълочи ўқувчиларидир. Қишлоқ шифокори бундай ҳаёти билан фахрланади, элу юртидан миннатдор бўлади.

Ҳасан РАҲМОНОВ, Қашқадарё вилояти.

Билиб қўйган яхши

ҚОН ГРУППАСИ БЎЙИЧА ТАҚВИМ

Европа мамлакатларида тақвим бўйича қишлоқ хусусияти белгиланса, Японияда қон гуруҳини сўраб сизнинг хусусиятларингизни айтиб беришар экан. Япониялик олим И. Номи бунга янада кўпроқ аниқлик киритди ва қон гуруҳларига қараб қишлоқ хусусиятларини белгиллади.

ҚОНИ I-ГУРУҲГА КИРУВЧИЛАР:

Кўпроқ биринчи бўлишга интилади. Олдиға қўйилган мақсадга эришиш учун бор имкониятларини ишга солади. Келгуси ҳаёти порлоқ бўлиши учун тўғри йўл танлаш унинг учун осон. Ўз қобилиятига нисбатан ишончи мустаҳкам. Камчиликлари ҳам йўқ эмас. Раҳми жуда кучли.

ҚОНИ II-ГУРУҲГА КИРУВЧИЛАР:

Осойишталик ва тартибни яхши кўрадилар. Ўзга қишлоқ билан тез тил топишадилар. Бундан ташқари таъсирчан, чидамли, вазмин ва меҳрибон. Камчиликлари орасида ўжарлик ва жаҳлдан тушолмаслик тез учрайди.

ҚОНИ III-ГУРУҲГА КИРУВЧИЛАР:

Ўзига бино қўйган бўлиб, кўпроқ ўз хоҳиши билан иш туттишни хуш кўрадилар. Ҳамма нарсга тез қўнқувчан. Таъсирчанликдан йироқ. Мустақил бўлишга баъзан қўчиброқ туради.

ҚОНИ IV-ГУРУҲГА КИРУВЧИЛАР:

Хотиржам ва барчага бир қўзда қарайдиган қишлоқлардир. Атрофдагилар уни ҳурмат қилишди ва у билан бирга бўлишни яхши кўрадилар. У атрофдагилар билан вақтхўшлик қила олади ва ҳаққоний муносабатини аниқлади. Камчиликлари орасида қизик-қонлик ва бирор ишни ҳал қила олмаслик одатлари учраб туради.

Когда-то родинка величиной с виноградную косточку чуть не помешала Синди Кроуфорд стать супермоделью. Однако удачливая девушка умудрилась превратить свою "особую приметку" в изюминку, а в торговую марку, которая сыграла не последнюю роль в стремительной карьере, вознесшей Синди на самую вершину модельного бизнеса. А вспомните знаменитую родинку Мерлин Монро — без нее, пожалуй, и не сложились бы тот образ обольстительницы, запомнившийся миллионам.

Англичане называют родинки *birth-marks*, что дословно переводится как «родовые метки». Так сложилось, что в разных культурах родинки воспринимаются по-разному: иногда их считали «божьем знаком» и украшением, а иногда — предвестниками бед и даже уродства.

У некоторых народов мира до сих пор существует поверье, что люди без родинок не имеют души и поэтому олицетворяют темные силы. Вечные странники-цыгане, посвященные во многие тайны природы, и в наши дни делают на теле татуировки в виде родинок.

Всевозможные предсказатели и хироманты угадывают судьбу по родинкам и родимым пятнам. Предсказания делают с учетом их размера, цвета, формы и места «дислокации».

Ученые же привлекли подходить к родинкам иначе, что

вполне закономерно: ведь именно они вычислили коварство некоторых кожных новообразований.

Родинки могут сопровождать нас с рождения, а могут и появляться в течение всей жизни — это вполне закономерно. Существует даже термин «блуждающие родинки»: они действительно исчезают в одном месте и появляются в другом.

Специалисты считают, что не стоит беспокоиться о врожденных родинках, если они находятся в местах, прикрытых одеждой и не увеличиваются в размерах.

Самые безобидные — плоские родинки от розового до темно-коричневого цвета: обычно они ведут себя «смирно», не травмируются и не создают неудобств. Единственное, что нужно помнить — это о защите таких родинок (на открытых участках тела) от солнечных лучей. Вовсе не лишним будет отказ от долгого лежания на пляже и использование крема с солнцезащитным фактором.

Если на лице несколько родинок, применять такой крем нужно круглый год. К выпуклым родинкам, тем более, если их приходится задевать одеждой, нужно относиться более внимательно. Если родинка есть на спине и других не доступных вашему взгляду местах, это наблюдение надо поручить кому-нибудь из близких. И разумеется, если вы заметили какие-то перемены — родинка стала больше, из плоской превратилась в выпуклую или изменилась ее окраска (это нередко случается после пляжного сезона у обладателей «шкарного» загара), надо сразу же обратиться к дерматологу.

Все доброкачественные кожные новообразования называются невусами и появляются благодаря особой клетке *nevus*. В результате ее активности возникает пигментированное пятно или выпуклая родинка. Отличить доброкачественное новообразование кожи от недоброкачественного или предракового сможет любой опытный дерматолог или косметолог, который в случае необходимости направит вас на консультацию к онкологу.

Конечно, аккуратная родинка над губой может добавить шарма вашей улыбке, но большая выпуклость, выросшая на верхнем веке или на носу, принесет одни огорчения. Кто-то готов смириться с этой неприятностью, а кто-то непременно захочет расстаться с «особой приметой». В салоне

вам могут предложить несколько способов удаления родинок: электрокоагуляция (с использованием тока высокой частоты), удаление лазером или выжигание жидким азотом.

Кроме очаровательных «родовых меток» на коже могут обитать и другие «незваные гости», отличающиеся меньшей привлекательностью. Безусловно, в первую очередь нужно избавиться от папиллом, которые и родинками можно назвать с большой натяжкой. Папилломы — кожные новообразования вирусного происхождения. Вырастают они обычно на лице и выглядят очень неэстетично: свисающие и похожие на бородавки выпуклости на «ножке». Появляются папилломы не только у пожилых людей с ослабленной иммунной системой, но и у достаточно молодых после различных внутренних потрясений — длительной лекарственной интоксикации, гриппа, желудочно-кишечных проблем. Неприглядно выглядят так называемые ксантелазмы — избыточные отложения холестерина на верхних и нижних веках, удаление которых необходимо и довольно безопасно, если за дело возьмется знающий специалист.

Не возникнет проблем с удалением всевозможных пигментных пятен, кератом, кератоакантом, если, конечно, вы вовремя обратитесь к врачу, — все это

Записная книжка

доброкачественные образования.

Если родинка постоянно травмируется, бывают кровотечения, вполне вероятно, что врач предложит вам ее удалить. И действительно, с такой родовой отмети-

любого способа от врача требуется особая ловкость рук. Родинка, часто залегающая глубоко в тканях, и поэтому надо точно рассчитать силу воздействия. Ведь если родинка будет уда-

СУДЬБА НАЧИНАЕТСЯ С РОДИНКИ

кой лучше расстаться.

Электрокоагуляция — самый предпочтительный метод, ведь после такой операции удаленное новообразование можно отправить на анализ. Ни лазер, ни жидкий азот не дают такой возможности. К тому же, после электрокоагуляции остаются небольшие и аккуратные рубцы. Лазерный же луч требует виртуозности и в неумелых руках оставляет плохо проходящие рубцы.

Впрочем, при использовании

лена не до конца, она может вырасти снова, а если врач перестарается с силой «адара», останется слишком большой рубец.

Будьте готовы к тому, что шрам на месте удаленной родинки останется в любом случае: может, мизерный, а может, и в несколько сантиметров. Все зависит от того, в чьи руки вы попадете.



Вообще, прежде чем решиться на эту операцию (а это все-таки операция!), обдумайте, насколько она необходима.

«КУА-ЦУ — СКОРАЯ ПОМОЩЬ»

Один из японских приемов оказания скорой помощи «Куа-Цу» испытан временем, используется в случаях различных травм, падения с высоты, электротравм, автомобильных катастроф, при тяжелых шоковых состояниях.

При этом необходимо поколачивать по наружному краю стопы и середине ключицы.

Для восстановления дыхания «Куа-Цу» предполагает легкое постукивание по обеим сторонам остистых отростков шейных позвонков.

При ослаблении сердечной деятельности — сильные постукивания по остистому отростку VII шейного позвонка. Самые эффективные реанимационные приемы проводятся через область шеи.

ПРОСТЫЕ СРЕДСТВА ОТ СЛОЖНЫХ БОЛЯЧЕК

Вследствие нарушения обмена веществ, а также осложнения после перенесенных инфекционных болезней, а то и просто при простуде нередко поражаются мелкие и крупные суставы рук и ног.

Появляются резкие и ноющие боли, ограничивается подвижность, появляется хруст при ходьбе, суставы воспаляются, человек становится просто нетрудоспособным. Но можно и самим облегчить свою участь.

Самым простым средством борьбы с этими недугами является ежедневный массаж рук и ног утром и вечером. А если еще использовать некоторые растирки, да яблочный уксус, да медовую пластину, то о болезни со временем вы просто забудете.

Самым эффективным для лечения ног является массаж. Ежедневно перед сном, лежа в постели, проводить массаж ступней ног о поддон другой ноги: правую ступню о палец да пятку растереть, т. е. массировать о поддон левой ноги, а затем левую ступню о поддон правой ноги. Каждую ступню 25-30 раз.

Вечером массаж проводить легким, что одновременно успокаивает нервную систему и способствует нормальному сну.

Утром проделывать то же самое, но уже энергичнее и сильнее, т. е. «разбудить» все наши органы, которые сосредоточены на ступнях ног, и настроить организм и ноги на бодрость и рабочий ритм. Такой ежедневный массаж уже через месяц дает результат. А со временем, не прекращая этих процедур, вы забудете о болезни ног, о натоптышах, шпорах, подгарах. Проводится он так.

Перед сном помыть ноги в умеренно горячей воде. Детским кремом или касторовым маслом растереть ступни ног, массируя каждую ступню 5-10 минут, чтобы стали сухими. Есть немало и других не менее эффективных средств. Вот некоторые из них.

● На ночь, в постель, в область ног, положить медную пластинку или медные монеты. Это снимает боли, и постепенно болезнь ног исчезает навсегда.

Можно воспользоваться и таким советом:

● 1 ч. ложка яблочного уксуса на стакан воды комнатной температуры. Принимать до еды по 0,5 стакана небольшими глотками. И перед сном принимать обязательно.

● Состав мази: 50 г камфары, 50 г горчицы, 100 г спирта, 2 яичных белка.

В спирте растворить камфару, затем добавить горчицу. Отдельно взбить белок. Все соединить, хорошо растереть и вечером перед сном втирать в болевые суставы — досуха.

Ибрагим АРИФДЖАНОВ, кандидат медицинских наук.

По случайному взгляду

По состоянию глазной сетчатки можно судить не только о здоровье глаз, но и о благополучии всего организма. При диабете, почечной недостаточности, эпилепсии, сердечно-сосудистых заболеваниях нередко происходит отслойка сетчатки, что может привести к печальным последствиям, вплоть до потери зрения. Поэтому ранняя диагностика этих заболеваний имеет очень большое значение. Московские клиницисты совместно с учеными из МОНИКИ разработали автоматический анализатор состояния сетчатки, который регистрирует электрические импульсы, измеряемые при непроизвольных движениях глаз. В зависимости от целостности сетчатки картина импульсов будет различна, а компьютер — «подскажет» диагноз и схему лечения. С помощью такого анализатора можно следить и за больными, которым назначена та или иная терапия, подобрать более эффективное лекарство и вернуть человеку зрение.

Французские специалисты разработали специальные микрокапсулы для исследования органов пищеварения. Эти капсулы, напоминающие миниатюрную лодочку, снабжены электронными датчиками, с помощью которых можно измерить температуру и определить размеры того или иного орга-

«Наутилус» отправляется в кишечник

на, а также его поврежденных участков, например, язвы или послеоперационного рубца. Удалось также измерить длину различных частей пищеварительного тракта. Оказалось, что в состоянии бодрствования длина тонкой кишки составляет 5-6 метров, а при расслаблении, например, во время операции под наркозом, она увеличивается на 2-3 метра. А у людей, предпочитающих растительную пищу, длина толстого кишечника на 25-30 см больше, чем у людей, которые преимущественно питаются животной пищей.

Полосу подготовила
Ф. СВЕТЛАНОВА.



ИЗ
МЕДИЦИНСКОЙ
ТИФЕТСКОЙ

ДАРДИНГИЗ ВАТАН СОҒИНЧИ

(Ривоят)

Ривоят қилишларича Турон заминидан донғи етти иқлимга машҳур савдогар яшар экан. Айтишларича, унинг молу-мулки бисёр экан. Кўра-кўра қўйлари, пода-пода йилқилари, беҳисоб бойликлари бор экан. Бу савдогарнинг чеки-чегараси йўқ ерлари бўлиб, бу саховатли ерлардан беҳисоб фойда кўрар экан. Ахли одамларнинг ярми ҳавас, ярмиси ҳасад ила боқаркан. Кунларнинг бирида бу савдогарнинг хаёлини янада бойиши учун нима қилиш керак деган фикр эгаллаб олибди. Охири ўйлаб-ўйлаб ўз Ватанидан йироқроқда бойлик орттирмоқчи бўлибди. Савдогарнинг бу қарорини эшитган яқинлари маслаҳат беришибди: «Ўз юртингни қўйиб, ўзга юртдан бойлик излашга не ҳолат. Ахир ҳозирги давлатнинг ҳам етти пуштинга етадику». Савдогар кулоқ солмабди. Йўлга тушибди тақдир тақозоси дея аталмиш чархи ғажрафдор уни узок-узокларга олиб кетибди. Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтибди. Савдогарнинг ўз бойлигига бойлик, обрўсига обрў қўшилибди. Энди уни танимаган, билмаган одам қолмабди. Ва лекин шундай замонлар келибдики, савдогарни Ватанга олиб борувчи йўллар беркилибди. У бир умр Ватанга олиб борувчи йўлларига термулиб ўтирадиган бўлибди. Кунлардан бир кун савдогар дардга чалиниб қолибди. Юрагини нақадар номсиз дард кемира бошлабди. Етти иқлимдан ташриф буюрган табибларнинг биронтаси унинг касалига даво топишолмабди. Савдогар бу дарддан фориғ бўлиш илнжиди бойликларининг ярмини сарф қилибди. Бир кун мулозимлар Турон элидан бир улуг табиб келганини айтишибди. Савдогар табибни жону-ҳолига қўймай хузурига чорлабди. Табиб беморни узок текширибди ва дебди: «Дардингиз – Ватан соғинчи». Савдогар сўрабди: «Эй хурматли табиб, Ватан тупроғи борми сизда?». «Ҳа, – дебди табиб, – мен куррайи заминнинг қай бурчагиди юрмай ўзим билан бирга бир кафт замин тупроғини азиз қилиб олиб юраман». Шунда савдогар: «Менинг қазойим яқин, сиздан ўтинчим шуки, вақтим етса, юрагимни сугуриб олингиди, ўша бир кафт тупроқ устига қўйинг» дебди. Савдогарнинг кунни битиб, қаю қилибди. Болалиги ўтган тупроқ кўчаларини бир кўришга интизор кўзлари юмилибди. Қилинган васиятига кўра мурданинг тани ёрилиб, юрагини бир кафт тупроқ устига қўйибдилар. Во ажабки, Яратганнинг инояти билан юрак тирик одамники синғари ура бошлабди. Ватан ишқиди эрта нобуд бўлган юрак, она замин тупроғи остида яна жонланибди. Қиссадан ҳисса шуки, ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингни гадоси бўл».

Нигора РАҲМАТОВА.

Юзга ажин тушишини олдини олиш, борларини йўқотиш бўйича шифокорлардан ташқари, бир қанча косметик (пардозу андозхона) марказлар, сартарошхоналарда салонлар иш олиб боришади. Юздаги ажинларни йўқотиш бўйича жуда кўп ойнома-ю, рўзномаларда доимо мақола-лар, тавсияномалар чиқади.

га, мижозига, жисмоний ҳолатига, соғлиғига, феъл-атвори-га, одобига, иш-хунарига, яшаш муҳитига ва озиқ-овқатига алоқадор. Даволашда ана шуларни эътиборга олмастик, яхши натижа бермайди. Меҳнат, хомашё зое кетади. Шунинг учун ҳам, табиий дорилар қўлланилса, фойда бермаган тақдирда, зарар бермайди.

ЮЗДАГИ АЖИН-ТИРИШЛАРНИ ЙЎҚОТИШ

Шу масалага бағишланган табиб китоблар, китобчалар чоп этилади. Юздаги ажинларни йўқотиш учун бир неча минг хилдаги суртмалар-у артмалар, чапламаю-қопламалар тақлиф қилинади, маслаҳатлар берилади. Бу масалада хорижий мамлакатларда жуда кўп «ихтиролар» қилинган ва қилинмоқда. Юздаги ажинларни йўқотишга ишлатилган сон-саноксиз бу «дорилар»нинг энг асосий салбий томони шуки, уларнинг аксарияти химикат-ёки минераллардан иборат. Шунинг учун кўпинча бу «дорилар» ажинларни вақтинча йўқ қилади. «Мендан кетгунча, уйига етгунча». Баъзан ҳатто зарар ҳам беради. Яъни қош қўйман деб, кўз чиқаради. Тўғри, ажинларни ҳақиқатан ҳам даволайдиганлари оз эмас. Бироқ, дориларни ҳар ким ўзига мос-хосларини танлаши мушкул иш, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу соҳада, халқ табибати, албатта, кўл қовуштириб ўтирмаган ва ҳозир ҳам бу борада сермахсул иш олиб боришмоқда. Халқ табибати-нинг асосий мақсади ажин-тиришларни табиий усулда даволаш. Одамнинг юзига ажини тушиши, ҳар бир инсонни ички ва ташқи дунёси-



Минг йиллик халқ табибатидаги кузатишлар шуни кўрсатадики, кимки «асосий овқатим» деб, мева-сабзавотларни билса, у одамда ажин йўқ, ёки сезиларли эмас. Ундай одамлар овқатни кам истеъмол қилади. Ажинни кўп ёки кам бўлиш-лиги, кишининг умумий соғлиғига, рухий тетиклигига боғлиқ. Шундай экан, энг аввал умумий соғ бўлишга эришиш зарур. Бу борада одам тўртта аъзосига эътибор бериши шарт.

Ошқозон соғлиғи, ўпка соғлиғи, жигар ва юрак соғлиғи ажин босмаслиғи учун гаров ҳисобланади. Юзни ҳадеб пардоз-андоз қилиш, бўяш – бу вақтинча чиройли бўлиш холос, аслида у юзни бузади.

Ажин-тиришларни табиий даволашда бир қанча тадбирлар қўлланилади:

Ўзгаллик

1. Бодринг ва қовун пўчоқларини ички томони билан юзни кунига 2-3 бор артиш.
2. Хар кун юзни 2-3 марта совуқ сувда ювиш.
3. Пешона ва юзни силаш (массаж), бурунни тепадан пастга силаш.

4. Хар кун уй ичида, айвончада, ҳовлида секин лўкиллаб 20 дақиқа югуриш.

5. Тўйиб ухлаш зарур.
6. Қовурилган, ёғли овқатлар, сут, кази, шўр, кабоблар мумкин эмас.
7. Ҳафтада 2 марта юзга бир дона тухум сариғини суркаб, қотгач ювиб ташлаш.

8. Ҳафтада 1-2 пиёла атала қилинган хамиртуршуни хом ичиш.

9. Ёзда тушдан сўнг, кўлоб сувда сузиб чўмилиш (1-2 соат).

10. Юзни, бошни офтобдан асраш.

12. Ҳафтада бир (ёзда) – икки (қишда) ҳаммомда узок терлаш.

13. Овқатни аччиқ-чучук, ош кўклари, турп қабиляр билан истеъмол қилиш, гўштин жуда кам истеъмол қилиш.

14. Чой ўрнида: қора андиз томири, чучук мия томири, янтоқ, олма қоқи, ялпиз ва кўк чой дамлаб ичиш.

15. Юзни рангини яхшилаш учун сарик нўхот истеъмол қилинг ва хом қарам еб туринг.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 29 ноябрдаги лицензия комиссиясининг 12-сонли мажлис қарорига асосан:

№	Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиясидан маҳрум этилган сана
1.	«Стоматология поликлиника» масъулияти чекланган жамияти Тошкент вилояти; Олмалик шаҳар, 5/2 даҳаси, 8-уйда жойлашган.	240-тиб.	1995 йил 29 сентябрда берилган.	2001 йил 29 ноябрда маҳрум этилди.
2.	«АЛТЕЙ» тиббий хусусий фирмаси Андижон вилояти, Хонобод шаҳар, Бехбудий кўчаси, 11-уйда жойлашган.	995-тиб.	1998 йил 29 апрелда берилган.	2001 йил 29 ноябрда маҳрум этилди.
3.	«ДАНТИСТ» масъулияти чекланган жамияти Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар, А. Досназарова кўчасида жойлашган.	556-тиб.	1996 йил 18 сентябрда берилган.	2001 йил 29 ноябрда маҳрум этилди.

Миннатдорчилик

АБДУРАҲМОНЖОНГА РАҲМАТ!

Яқинда ўғлим Санжарбек кўзидан ўроқ орқали оғир жароҳат олиб, Республика шовилинч тиббий маркази Андижон вилояти филиалига оғир ахволда келтирилди. Марказнинг кўз касалликлари шифокори Абдураҳмонжон Ғаниев ўғлимни очик чехра билан қабул қилиб, дарҳол ердан қилишга киришди. Ердан қилганда ҳам оғир операцияни ўз вақтида, кечиктирмай, сифатли бажарди. Биз ўғлимизни бир кўздан ажралди деб умидсизланиб тургандик. Абдураҳмонжоннинг шовилинч тиббий ердами туфайлигина ўғлимиз кўзининг кўриш қобилияти сақланиб қолинди. Сунаётган умидимизни қайта жонлан-тириб, қанот бахш этган Абдураҳмонжон ва операцияда иштирок этган барча тиббиёт ходимларига ўзимизнинг чексиз миннатдорчилигимизни билди-рамыз.

Одилжон АЛИЖОНОВ,
Андижон вилояти.



Мехмонга борган Афандига: «Чой ҳам қайнай деб қолди. Энди сизга хўрда қилиб берайми?» дебди уй эгаси. Афанди ҳам бўш келмай: «Паловга ҳаракат қилиб қўқолинг, агарда чой ичадиган бўлсак, барибир хўрда бўлади-да» дебди.

Афанди ўғлига нозик юк бериб бир ерга элтиб беришни буюрибди. Ўғлини кетар олдида: «Ўғлим, ахтиёт бўлгин, агар йиқиладиган бўлсанг, аввал юкни қўйиб кейин йиқилгин», – дебди.

Бир касал ҳасис уйда дам олаётганида Афандининг қақирув товуши эшитилибди. Ҳасис ўғлини чақириб: «Афандини кўргим йўқ, ўша еқдан жўнатавер», дебди.

Ўғли чикиб: «Қим керак?» деса, Афанди: «Отангизнинг ахволларини билгани келган эдим», дебди. Ўғли: «Қўлингиздагидек!» – деган экан, афанди ҳам бўш келмай: «Ундай бўлса, ғуровга хабар қилган бўлсангиз керак-а!» дебди.

Тўпловчи Н. ИЛЁСОВ.

«Ўзбекистонда

соғлиқни сақлаш»

«Здравоохранение

Узбекистана»

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир:

С. ОРИПОВ

профессор.

Ижрочи муҳаррир:

И. СОЛТОВА.

Тахрир хайъати:

Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ,

(муҳаррир ўринбосари)

С. ФРОЛОВА, В. ЖУРАВЛЕВ.

Манзилгоҳимиз: 700060, Тошкент,

Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават

Тел/факс: 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида

руйхатга олинган, гувоҳномаси № 00504.

Умумий адади 10.000 нусха

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.

Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.

Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни

сақлаш»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Заказ Г-3144.

Рўнома «ШАРҚ» нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси босмахонасида чоп

этилади. Корхона манзилигоҳи:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Ҳажми 2 босма тобоқ. Формати А3. Офсет

усулида босилган. Рўнома ИВМ компьютерида

термиди ва саҳифаланди.

Реклама ва эълонлардаги маълумотларнинг мазмуни ва ҳаққо-

нийлиги учун реклама берувчилар

жавоб берадилар.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.